

## 1 – масала

### “2012-2013 ўқув йилида бакалаврият таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари бўйича қишки семестр якунлари ҳақида”ги масала юзасидан СамДАҚИ Илмий кенгашининг 2013 йил 25 апрел 8/1-сонли қарори

“2012-2013 ўқув йилида бакалаврият таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари бўйича қишки семестр якунлари ҳақида”ги масала юзасидан ўқув ишлари бўйича проректор А.Т.Қўлдашевнинг ҳисоботини тинглаб ва муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди.

2012-2013 йилининг кузги семестрида ўқув жараёнида назоратни ташкил этишда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 25 августдаги 333-сон буйруғига асосан институтда ректорнинг 2010 йил 6-сентябрдаги 93-у сонли буйруғи билан тасдиқланган «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида»ги Низоми асосида амалга оширилди. Семестр давомида жорий, оралиқ назоратлари ўтказиб борилди.

Яқуний назоратларни ҳолисона, адолатли ўтказиш мақсадида институтнинг назорат ва мониторинг бўлими ҳамда ўқув бўлими ходимлари томонидан ўқув ишлари проректори бошчилигида комиссия ташкил этилиб, талабаларнинг яқуний назорати кафедра мудирлари бошчилигида баҳоланди.

Институтда жами 3167 нафар талабаларнинг 2139 нафари (қайта топширишларсиз) рейтинг назоратларни топширишди. Бу жами талабаларнинг 67,5 %ни ташкил этади. Улардан 1206 нафари 4-5 баҳоларга (71 баллдан юқори тўплаган) топширди. Бу кўрсаткич 38,1 %ни ташкил этади.

Қайта топширишлардан сўнг ўзлаштирганлар сони 995 нафарни ташкил этди.

Кузги семестр якунлари бўйича талабаларнинг ўзлаштириши жами 3167 нафар талабадан 3136 тани ташкил этди. 25 нафар талаба 55 баллдан кам балл тўплаганлар ҳамда 6 нафар талаба ўз хошишига кўра талабалар сафидан чиқарилган.

Кузги семестр якуни бўйича асосий статистик кўрсаткичларни ўқув йили бўйича таққосласак қуйидаги жадвалдаги сонларни кўрамиз, яъни

т/р	Рейтинг балл	семестр		изоҳ
		2011-2012 ўқув йили	2012-2013 ўқув йили	
1	86<R<100, балл тўплаганлар сони	9,5	10,7	+1,2
2	71<R<85	24,8	27,4	+2,6
3	Фақат 55 <	60,3	59,1	-1,2
4	<b>Ўзлаштириш</b>	<b>94,6</b>	<b>97,2</b>	<b>+2,6</b>

Бу жадвалдан кўришиб турибдики 55 дан кўп балл тўплаган талабалар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,2 %га камайган. 86 баллдан юқори балл тўплаганлар сони ўтган йилга нисбатан 1,2 %га кўпайган. 71 баллдан юқори балл тўплаганлар сони 2,6% га кўпайди.

Институт бўйича умумий ўзлаштириш 2,6 % га кўпайиб 97,2% ни ташкил этди. Умумий ўзлаштириш кўрсаткичлари факультетлар миқёсида қуйидагича (қайта топширишлар билан биргаликда):

Т/Р	Факультетлар	2011-2012 ўқув йили %	2012-2013 ўқув йили %	фарқи %
1	Архитектура	97,3	99,5	+2,2
2	Қурилиш	94,7	98,2	+3,5

3	МКҚ	97,6	99,6	+2,0
4	Қурилишни бошқариш	96,5	98,3	+1,8
<b>Институт бўйича жами</b>		<b>96,5</b>	<b>99</b>	<b>+2,5</b>

Ҳамма факультетлар бўйича умумий ўзлаштириш кўрсаткичлари ўсиши кузатилиб, ўтган ўқув йилига нисбатан барча факультетларда ўсиш мавжуд.

Кузатишлар натижаси бўйича энг кам ўсиш кўрсаткичини “Қурилишни бошқариш” факультети берди.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида

### **Илмий кенгаш қарор қилади.**

1. “2012-2013 ўқув йили бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кузги семестр яқунлари ҳақида”ги масала юзасидан ўқув ишлари проректори **А.Т.Қўлдашевнинг** ҳисоботи тасдиқлансин ва ижобий баҳолансин.
2. Кузги семестр яқунлари бўйича талабаларнинг ўзлаштириши ва давомати (давомати паст бўлган талабалар) барча факультетлар илмий кенгашларида кўриб чиқилсин ва таълим сифатини ошириш бўйича чора-тадбирлар белгилансин. **Маъсуллар:** Факультет деканлари ва кафедра мудирлари. **Муддати:** 2013 йил 1 майгача.
3. “Қурилиш” ва “Қурилишни бошқариш” факультетлари талабаларининг (қайта топширишларсиз) ўзлаштириш кўрсаткичлари пастлиги сабаблари ва шу жумладан талабаларнинг фанларни ўз вақтида (қайта топширишларсиз) ўзлаштириши 50% дан паст бўлган фанлар руйхати аниқланилиб, ҳар бир кафедра кесимида бу масала факультет кенгашларида атрофлича ўрганилиб чиқилсин ва уни яхшилаш чора тадбирлари белгилансин. **Маъсуллар:** Факультет деканлари ва кафедра мудирлари. **Муддати:** 20 кун
4. Рейтинг қайдномаларини, рейтинг дафтарчаларини, гуруҳ ва ўқитувчи журналларини расмийлаштиришда профессор-ўқитувчилар томонидан хатоликларга йул қўйилмаслиги учун барча факультетлар ва кафедраларда семинарлар ташкил этилсин. **Маъсуллар:** Факультет деканлари, кафедра мудирлари ва магистратура бўлими бошлиғи. **Муддати:** 5 кун.
5. Талабаларга жорий, оралиқ назорат турларидан тўплаган баллари тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида рейтинг ойнасида ёритиб борилиши тўлиқ таъминлансин ва назоратга олинсин. **Маъсуллар:** Факультет деканлари, кафедра мудирлари, магистратура бўлими бошлиғи ва дарс ўтувчи ўқитувчилар. **Муддати:** Семестр бўйича тасдиқланган жадвал асосида.
6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ўқув ишлари бўйича проректор **А.Т.Қўлдашев** зиммасига юклатилсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

**Р.Т.Эшмаматов**

### 3 – масала

#### **“Институтда диний экстремизм, одам савдоси, гиёҳвандликка қарши кураш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида”ги масала юзасидан СамДАҚИ Илмий кенгашининг 2013 йил 25 апрел 7/2-сонли қарори**

“Институтда диний экстремизм, одам савдоси, гиёҳвандликка қарши кураш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида”ги масала юзасидан маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор **Ғ.Х.Яхшибоевнинг** ахборотини тинглаб ва муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди.

Институтда халқаро терроризм, диний экстремизм, гиёҳвандлик, одам савдосига қарши кураш ва ҳуқуқбузарликни олдини олиш борасидаги амалга оширилаётган ишлар Вазирликнинг меъёрий ҳужжатлари, фармоишлари, кўрсатмалари ва тавсиялари ва улар асосида тузилган маънавият ва маърифат бўлимининг махсус режаси асосида олиб борилмоқда.

Институтда диний экстремизм ва терроризм, ҳуқуқбузарлик ва жинойтчиликни олдини олиш, гиёҳвандлик ва одам савдосига қарши курашиш бўйича ўтказилаётган тадбирларда институт фильмотекасида мавжуд булган 50 дан ортиқ бадий, ҳужжатли ва бошқа видеоматериаллардан фойдаланилмоқда.

Бу борада амалга оширилган маънавий-маърифий ишларни амалга оширишда, айниқса, ижтимоий-гуманитар кафедраларнинг профессор-ўқитувчиларининг хизматларидан кенг фойдаланилмоқда.

Институтда халқаро терроризм, диний экстремизм, гиёҳвандлик, одам савдосига қарши курашни олдини олиш мақсадида Самарқанд вилоят ИИБ жинойт қидирув ва терроризмга қарши кураш бошқармаси, Самарқанд вилоят ИИБ одам савдосига қарши курашиш бўлими, Самарқанд вилоят ИИБ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими, «Соғлом авлод» жамғармаси, вилоят ёшлар ва ўсмирлар диспансери, вилоят наркодиспансери, СПИД маркази, 1-туғруқ комплекси врачлари билан ҳамкорликда олиб борилмоқда.

Ўтказилган тадбирларда талабаларга тинчлик ва осойишталик кадрини, уларнинг диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик ва дўстлик ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш, терроризм ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаслигини, аввало унинг мафқураси, мафқурачилари кириб келиши ва улар иродаси бўш, ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган ёшларни тузоққа илинтириб, бугунги тараққиёт талабларига тўғри келмайдиган қабих ишларга бошлаши, миллий қадриятларимизни турли таҳдид ва хавф-хатардан асраш, ёшларни доим хушёрлик ва огоҳ руҳида тарбиялаш, талабаларга миссионерлик ва прозелитизм ҳамда одам савдосининг хавфи тўғрисида маълумотлар берилмоқда.

Институтнинг фаоллар залида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Самарқанд вилоят бўлими ходими иштирокида фаоллар залида барча профессор-ўқитувчи ва талабаларга “Гиёҳвандлик-умр заволи”, “Алданиб қолманг”, “Хунрезлик”, “Шайтон изидаги малайлар”, “Марказий Осиёдаги барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солаётган диний экстремистик ва террористик ташкилотлар”, «Сароб кетидан қувиб» каби видеофильмлар намойиш қилинган.

Юқориларда билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида

#### **Илмий кенгаш қарор қилади:**

1. “Институтда диний экстремизм, одам савдоси, гиёҳвандликка қарши кураш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида”ги масала юзасидан маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор **Ғ.Х.Яхшибоевнинг** ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. Талабаларга “Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари” махсус курсининг илғор педагогик технологиялар ҳамда



## 5 – масала

### Хар хил масалалар.

Кун тартибидаги хар хил масалалар буйича сўз **Р.Т.Эшмаматовга** берилди.

I. Ўқув қўлланмани чоп этишга рухсат бериш тўғрисида.

**Эшитилди:**

“**Тасвирий санъат**” кафедраси катта ўқитувчиси **Т.Эсанов** томонидан “Архитектура” ва “Дизайн” таълим йўналиши талабалари учун тайёрланган “**Ҳайкалгарошлик**” номли ўқув қўлланмани чоп этишга рухсат бериш тўғрисида илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Барча керакли ҳужжатлар илова қилинган.

**Илмий кенгаш қарор қилади:**

“**Тасвирий санъат**” кафедраси катта ўқитувчиси **Т.Эсанов** томонидан “Архитектура” ва “Дизайн” таълим йўналиши талабалари учун тайёрланган “**Ҳайкалгарошлик**” номли ўқув қўлланмани чоп этишга рухсат берилсин.

I. Ўқув қўлланмани чоп этишга рухсат бериш тўғрисида.

**Эшитилди:**

“**Тилларни ўрганиш**” кафедраси катта ўқитувчиси **Ф.С.Марданова** томонидан “Курилишни бошқариш” факултети талабалари учун тайёрланган “**Le Français**” номли ўқув қўлланмани чоп этишга рухсат бериш тўғрисида илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Барча керакли ҳужжатлар илова қилинган.

**Илмий кенгаш қарор қилади:**

“**Тилларни ўрганиш**” кафедраси катта ўқитувчиси **Ф.С.Марданова** томонидан “Курилишни бошқариш” факултети талабалари учун тайёрланган “**Le Français**” номли ўқув қўлланмани чоп этишга рухсат берилсин.

I. Ўқув қўлланмани чоп этишга рухсат бериш тўғрисида.

**Эшитилди:**

“**Курилишда менежмент**” кафедраси профессори **А.Н.Жабриев** ва доцент **Ў.А.Мухаммадиевлар** томонидан “Менежмент” таълим йўналиши талабалари учун тайёрланган “**Менежмент – савол ва жавобларда**” номли ўқув қўлланмани чоп этишга рухсат бериш тўғрисида илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Барча керакли ҳужжатлар илова қилинган.

**Илмий кенгаш қарор қилади:**

“**Курилишда менежмент**” кафедраси профессори **А.Н.Жабриев** ва доцент **Ў.А.Мухаммадиевлар** томонидан “Менежмент” таълим йўналиши талабалари учун тайёрланган “**Менежмент – савол ва жавобларда**” номли ўқув қўлланмани чоп этишга рухсат берилсин.

II. Академик **Т.Ш.Ширинкуловнинг** бюст ҳайкалини ўрнатиш тўғрисида.

**Эшитилди:**

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида узоқ йиллар самарали фаолият кўрсатган устоз, академик **Тошпўлат Ширинкулович Ширинкуловнинг** бюст ҳайкалини институтнинг “**Материаллар қаршилиги ва қурилиш механикаси**” ўқув-

илмий лабораториясининг ёпиқ биносига ўрнатишга рухсат бериш тўғрисида илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Ушбу масала бўйича илмий кенгаш аъзолари ўз фикрларини билдириб, академик Т.Ш.Ширинкуловнинг бюст ҳайкали ўзи фаолият олиб борган лабораторияга ўрнатилиши мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаб ўтишди ва бу таклиф илмий кенгаш аъзолари томонидан маъқулланди.

**Илмий кенгаш қарор қилади:**

Академик **Тошпўлат Ширинкулович Ширинкуловнинг** бюст ҳайкалини институтнинг **“Материаллар қаршилиги ва қурилиш механикаси”** ўқув-илмий лабораториясининг ёпиқ биносига ўрнатиш учун Самарқанд шаҳар ҳокимлигидан рухсат сўралсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

**Р.Т.Эшмаматов**